

**Мижозларга кредит карта
ажратиш тўғрисида
_____/2020/И-сонли карта шартномаси**

Тошкент шаҳар

_____ йил

“Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали (кейинги ўринларда - Банк) Низом ҳамда _____ йилдаги 05/юр-сонли ишончнома асосида иш юритувчи бошқарувчи _____, бир томондан ва _____ да яшовчи, _____ томонидан _____ да берилган паспорт серияси ва раками _____ бўлган _____ (кейинги ўринларда - Қарз олувчи) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз олувчига эҳтиёжлари учун карта кредит олиш мақсадида шартнома асосида кредит беради.

1.2. Бериладиган кредит суммаси: _____ сўм.

Кредит мақсади: карта кредит олиш учун.

Кредит муддати: _____ ой. _____ Кредит фоиз

ставкаси: йиллик _____ %.

1.3. Кредит бўйича асосий қарз аннуитет усулда сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган Кредитни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойда бир марта.

1.4. Кредит бўйича қарз қолдиғига йиллик _____ % ҳажмда фоизлар қўшилади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, ойнинг _____ - кунидан кечикмай тўлаб борилади.

1.5. Қарз олувчи кредит таъминоти сифатида _____

_____ сўмлик кредит қайтармаслик хатаридан банк фойдасига сугурталаш полисини гаровга тақдим этилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

2.1.1. Қарз олувчининг тўлов лаёқатини, кредит таъминоти етарлилигини текшириш.

2.1.2. Кредитнинг навбатдаги қисми ўз вақтида сундирилмаган ҳолларда:

а) кредит (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган санадан бошлаб кредит учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз суммасига белгиланган фоизли ставкадан 1,5 баробар ҳажмида белгилаш;

б) Қарз олувчидан кредитни (кредит бўйича қарз қолдиғини) муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дархол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) қонунчиликка мувофиқ, кредит бўйича қарзни сўндириш учун таъминотни сотиш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

2.1.3. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини текшириш.

2.1.4. Банк қарз олувчининг _____ сонли пластик картасидан, мавжуд ва бундан сўнг очиладиган барча қарз олувчининг банк ҳисоб рақамларидан (талаб қилиб олгунча, депозит, жамғариб бориладиган, пластик ва бошқа исталган ҳисоб рақамларидан) кредит тўловини графикга асосан акцепсиз тарзда ечиб олиш ҳуқуқига эга.

2.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Хар ойда кредитни сўндириб бориш ва фоизларни тўлаш учун ишлатиладиган маблағларни Банкда махсус очилган депозит ҳисобварағига олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб бориш.

2.2.2. Банк томонидан кредит шартномасига ўзгартирилишлар икки томонлама розилик асосида қўшимча келишув имзолаш орқали амалга оширилади..

2.2.3. Банкни олдиндан ёзма равишда огохлантириб кредитни ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин сўндириш. Асосий қарзни сўндиришдан олдин Қарз олувчи шу санагача ҳисоблаб кўшилган фоизларни тўлаши керак.

2.3. Банкнинг мажбуриятлари:

2.3.1. Қарз олувчига истеъмол эҳтиёжи учун [REDACTED] сўм хажмда кредит бериш.

2.3.2. [REDACTED] - кредит ҳисобварағи очиш.

2.3.3. Кредит (микроқарз) ҳисоб варағидан кредит (микроқарз) қуйидагича тартибда ажратилади:

2.3.4. Кредит (микроқарз) карта кўринишда берилади.

2.4. Кредит таъминот

2.4.1. [REDACTED]

[REDACTED] сўмлик гаров тақдим этиш.

2.4.2. Тегишли хажмдаги кредит 36 ойгача бўлган муддатда тенг улушларда қайтарилишини таъминлаш. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган графикка мувофиқ кредитни (имтиёзли давр тугаши билан) ҳар ойда 1 (бир) марта (камида 1 (бир) марта) тенг улушларда сўндириб бориш.

2.4.3. Кредит сўндириш ва фоизларни (воситачилик ҳақи ҳамда кредит бўйича бошқа тўловларни) тўлаш ишларини қуйидаги тарзда амалга ошириш (ортиқчалари олиб ташланади):

- Банк муассасаси кассасига нақд пул топшириш;
- Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланманган бошқа усулларда.

2.4.4. Кредитдан фойдаланганлик учун Банкка хар ойнинг 02-кунидан кечикмасдан муддатли қарз учун йиллик ___% ва муддати ўтган қарздорлик бўйича кредитни қайтариш муддати бузилганда фоиз ставкаси муддатини ўтказиб юборишнинг биринчи кунидан бошлаб белгиланган фоизли ставкадан 1,5 баробар хажмда фоизлар тўлаш.

2.4.5. Кредит муносабатлари жараёнида кредит масалалари юзасидан зарур бўлган хар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш. Банкка тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар тўғрилиги маълумот учун Қарз олувчи жавобгар бўлади.

2.4.6. Турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши қутилаётгани, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан уч кун ичида Банкка хабар бериш.

3. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

3.1. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги, шартнома тузилгандан сўнг юзага келган сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго оқибати ҳисобланса, тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Тарафларни мажбуриятни бажаришдан озод қилиниши учун бу форс-мажор ҳолатлар мажбуриятнинг бажарилмаслигига тўғридан-тўғри тўсқинлик қилган бўлиши лозим.

4. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига асосан белгиланади.

4.2. Тўлов ҳужжатларига мувофиқ кредит суммаси ўз муддатида ўтказиб берилмаганда, БАНК ҚАРЗ ОЛУВЧИга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдориди пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган кредит суммасининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Кредитни муддатидан олдин қайтарилганлиги учун жарималар ундирилмайди. Кредитдан фойдаланганлик учун ва кредит ажратилиши бўйича банк томонидан бир марталик тўловлар ундирилмайди.

4.3. Кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдориди фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня) жавобгарликнинг бошқа чоралари қўлланилмайди; кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, кредитни муддатидан илгари коплаш учун неустойка ундирилмайди.

4.4. Кредит бериш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.5. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарлар.

5. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ

5.1. Ушбу шартнома, тарафлари томонидан имзолангандан сўнг, юридик кучга киради. Шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргач ўз кучини йўқотади.

5.2. Шартноманинги ўзгариши ёки муддатидан олдин тугатилиши томонларнинг ўзаро келишувига асосан расмийлаштирилади. Шартномани бекор қилиш қонунчилик ҳужжатида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.3. Шартнома қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

5.4. Ушбу шартнома томонлар учун бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилиб, шартноманинги бир нусхаси “БАНК”га, бир нусхаси “ҚАРЗ ОЛУВЧИ”га топширилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БАНК: "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Шимолий Олмазор кучаси, 17Б-уй Банк реквизитлари: Вакиллик х/р 16103000100001121001 МФО 01121, ИНН 207212359 Бошқарувчи _____ _____ М.Ў.	ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
---	---------------------